



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 17 сентябрь, № 191 (8814)

Сешанба

Сайтимидаги ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ ФОРМАТДАГИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольц 15-16 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



O'ZBEKISTON – GERMANIYA ISHBILARMON DOIRALARI VAKILLARI BILAN UCHRASHUV
2024-YIL 16-SENTABR, SAMARQAND
TREFFEN MIT USBEKISCH – DEUTSCHEN WIRTSCHAFTSVERTEPTERN
16. SEPTEMBER 2024, SAMARKAND

Ташрифнинг асосий тадбирлари Самарқанд шаҳридаги Конгресс марказида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольц юзма-юз мулоқот қилдилар. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари делегациялар иштирокида кенгайтирилган таркибдаги учрашувда атрафлича муҳокама қилинди.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольц Қўшма декларацияни қабул қилдилар. Шунингдек, икки томонлама 8 та ҳужжат, jumladan, миграция ва мобиллик соҳасида ҳар томонлама шериклик тўғрисида ҳукуматлараро битим, ўта муҳим минераллар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация, транспорт соҳасидаги ҳам-

корлик тўғрисида битим имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц 16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида икки мамлакатнинг етакчи компания ва банклари вакиллари билан учрашув ўтказдилар.

Тадбирда Германия Иқтисодиёт ва иқлимни муҳофаза қилиш вазирлиги парламент давлат котиби Михаэл Келлнер, Германия иқтисодиётининг Шарқий кўмитаси бошқарувчи директори Михаэл Хармс, "KNAUF", "CLAAS", "Mangold Consulting", "Günter Papenburg", "Siemens Energy", "Linde Group", "Aurubis", "FALK PORSCHE", "Metso", "Edison technologies", "Ernst Klett", "Siemens Healthineers", "Herrenknecht", "DB Engineering & Consulting", "Svevind Energy Group", "Rhenus", "HMS Bergbau", "Textima" каби етакчи компаниялар ҳамда "KfW Development Bank", "AKA Bank" банкларининг раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари учрашувнинг иштирокчиларини самимий қутлаб, тадбир тарихий Самарқанд шаҳрида ўтказилаётгани рамзий маънога эга эканини таъкидлади.

Кеча бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар якунларига юксак баҳо берилди. Уларда Янги Ўзбекистон тараққиётининг иқтисодиёт тармоқларини чуқур трансформация ва модернизация қилиш бўйича асосий устувор йўналишлари қўллаб-қувватлангани алоҳида қайд этилди.

Германиянинг етакчи компания ва банклари билан Саноат ва технология шериклик бўйича қабул қилинган стратегик дастур доирасида қўшма инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жадаллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги келишувларга эришилгани учрашувнинг асосий натижаси бўлгани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доираларининг фаол ва амалий

иштирокида ўзаро манфаатли шерикликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Бу "яшил" энергетика, кимё саноати, "яшил" водород ишлаб чиқариш, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика саноати ва бошқа соҳаларда саноат кооперациясини назарда тутади.

Бундан ташқари, ўта муҳим минерал ресурслар конларини ўзлаштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш, кейинчалик Германия ва учинчи мамлакатлар бозорларига экспорт қилиш учун юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда Германия компанияларининг иштироки истикболли йўналиш сифатида белгиланди.

Энергетика, транспорт-коммуникация, коммунал ва туризм инфратузилмаси объектларини модернизация қилиш, саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарини хусусийлаштириш дастурида иштирок этиш, шунингдек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим ва экология соҳаларида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни

амалга ошириш ҳам ҳамкорликнинг асосий йўналишларига киради.

Учрашувда Президентимиз Германия бизнесининг Ўзбекистондаги йирик компаниялар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Шу маънода, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, металлургия, энергетика, кимё, транспорт инфратузилмаси, қишлоқ ҳўжалиги ва машинасозлик, тиббиёт ва бошқа соҳаларда янги ташаббусларни ишлаб чиқиш ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишни давом эттириш кераклиги таъкидланди.

— Учрашувимизни янги форматда ташкил этдик. Ўзбекистон томонидан, асосан, сўнгги йилларда мустақам оёққа туриб олган ва Германия бизнесининг муносиб ҳамкори бўлган хусусий сектор вакиллари иштирок этмокда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Президенти барча иштирокчиларга белгиланган режаларни амалга оширишда катта муваффақиятлар тилади.

Ўз навбатида, Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц мамлакатимиз билан кўп қиррали муносабатлар изчил ривожлантиришни юқори баҳолаб, мавжуд шериклик алоқаларини мустақамлаш муҳимлигини таъкидлади ҳамда Германия ишбилармон доиралари вакиллари қўшма лойиҳалар ва ташаббусларни амалга оширишда дадил иштирок этишга чақирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Германия Федератив Республикаси Канцлери Қўшма Бошқарув кадрларини тайёрлаш мактабининг очилишига бағишланган маросимда иштирок этдилар.

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси ва Давлат хизмати ривожлантириш агентлиги томонидан Ханнс Зайдел жамғармаси ҳамда Бавария давлат бошқаруви мактаби билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Мутасаддилар видеоалоқа орқали етакчиларга лойиҳа ҳақида батафсил маълумот бердилар. Унинг асосий мақсад ва вазифалари мамлакатимиз ҳудудларида бошқарув кадрларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва илгор технологияларни ўзлашти-

риш борасидаги салоҳиятини оширишдан иборат.

Ўзбекистон — Германия саммити якунида дархат экиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц Конгресс марказидаги хиёбонда биргаликда дархат экидилар.

Бу Ўзбекистон — Германия кўп қиррали муносабатларида янги босқич бошлангани, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталари мустақамлашиб бораётганининг рамзи бўлди.

Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц Самарқанддаги Халқаро туризм академиясига ташриф буюрди. 2023 йилда Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25-сессияси доирасида очилган академия туризм соҳасини ривожлантириш бўйича юқори малакали ва талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш маркази сифатида фаолият кўрсатмокда.

Академияда яқинда биринчи академик йил бошланди ва битта дастур — меҳмондўстлик менежменти бўйича 20 нафар тингловчи сабоқ оломда. 2025 йил январдан эса яна 200 нафар мутахассис тайёрланади. Иккинчи академик йилдан бошлаб мавжуд уч йўналишда 60 нафар тренер ва 1200 нафар мутахассис ўқитилади.

Ўқув муассасаси битирувчиларига БМТ Туризм ташкилотига аъзо давлатлар томонидан эътироф этиладиган дипломлар берилади.

Олий мартабаги меҳмон академияда яратилган шароитлар ҳамда Ўзбекистонда замонавий сайёҳлик инфратузилмасини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан танишди.

Шу билан Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг мамлакатимизга расмий ташрифи якунланди.

Айтиш мумкинки, мазкур ташриф ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган, қозғалган амалий жараёнларга ўтган Ўзбекистон — Германия муносабатларининг янги даврида навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Зийдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Ўза махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ГЕРМАНИЯ» САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 17 сентябрь кунлари Марказий Осийё мамлакатлари ва Германия етакчиларининг иккинчи учрашувиде иштирок этиш учун амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.

Саммитда минтақа мамлакатларининг Германия билан кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинади.

Савдо-иқтисодиёт, инвестиция, технологиялар, транспорт-коммуникация ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида

эътибор қаратилади. Шунингдек, Германиянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан қўшма учрашув ўтказиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, «Марказий Осийё — Германия» форматидеги биринчи саммит ўтган йилнинг 29 сентябрь кунлари Берлин шаҳрида ўтказилган эди.

Ў.а.

Сенат кўмитасида

АДОЛАТЛИ РАҚОБАТ МУҲИТИ ЙЎЛИДА

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклиқни таъминлаш масалалари кўмитасининг иккита қонун муҳокамасига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга эришилиб, халқимизга, айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи аҳолига улардан янада қулайроқ фойдаланишлари учун кенг имкониятлар яратилди, интернет хизматлари нархлари сезиларли даражада арзонлаштирилди.

ҳам ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан эътиборга молик.

Айни қонун билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу соҳадаги ваколатлари аниқ белгилаб берилмокда. Шу билан бирга, унда молиявий, тузилмавий ва қарор қабул қилишда мустақил ҳар қандай юридик шахс тартибга солиувчи орган (регулятор) сифатида фаолият юритиши мум-

кинлиги кўзда тутилаётир.

Уларга телекоммуникация соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда ёки фавқулодда ҳолатларда телекоммуникация инфратузилмаларидан устувор фойдаланиш ҳамда уларнинг фаолиятини тиклаш ва ривожлантириш, оператор ва провайдерлар фаолият кўрсатиши учун тенг ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш ваколати бериляпти.



КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТЛАР АЛОҚАЛАРИМИЗГА ЖАДАЛ СУРЪАТ БАҒИШЛАЙДИ

Сир эмаски, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг турли мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари изчил ривожланиб бормокда. Буни Германия Федератив Республикаси билан ҳамкорлик мисолида ҳам кўриш мумкин.

Акс садо

Дарҳақиқат, охириги беш-олти йилда мазкур мамлакат билан иқтисодий ҳамкорлигимиз барча соҳада кенгайиб бормокда. Бу кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц ҳамда икки мамлакатнинг етакчи компаниялари ва банклари вакиллари иштирокидаги учрашувда ҳам алоҳида айтиб ўтилди. Бугунги кунда мазкур давлатнинг етакчи компаниялари билан технология шериклик бўйича қабул қилинган стратегик дастурлар доирасида қўшма инвес-

тиция лойиҳалари, савдо шартномалари амалга оширилаётгани ҳам шундан далолат бериб турибди.

Ушбу учрашув доирасида эришилган қатор келишувлар эса икки давлат алоқаларига янги суръат бағишлайди. Зеро, Германия етакчи компания ва банклари билан Саноат ва технология шериклик бўйича қабул қилинган стратегик дастур доирасида қўшма инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жадаллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича келишувларга эришилди.



ГЕРМАНИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНГИЧА ҚАРАШИ — ОБЪЕКТИВ ҲАҚИҚАТ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган музокаралари якунлари юзасидан халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва экспертлар "Дунё" ахборот агентлиги учун шарҳлар беришди.

Дунё нигоҳи

Найжел Гулд-ДЭВИС, Буюк Британиянинг Халқаро стратегик тадқиқотлар институти (IISS) Россия ва Евроосийё бўйича лойиҳа менежери:

— Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар юқори ривожланиш суръатини намоён

этомқда ва у янги стратегик босқичга кўтарилди. Германия нафақат муҳим иқтисодий шерик, балки мураккаб халқаро зиддиятлар жараёнида суверенитет ва мустақиллиқни мустақамлашга интилаётган Ўзбекистоннинг иттифоқчиси.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг

Марказий Осийёдаги асосий давлат сифатидаги геосийсий аҳамияти ортиб бормокда. Германия билан алоқалар минтақада барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнаши мумкин. Халқаро майдон тобора кўп қутбли бўлиб бораётган бир пайтда Германия Ўзбекистон учун ишончли ҳамкор ҳисобланиб, республиканинг иқтисодий ва сиёсий уфқларини кенгайтиришга хизмат қилмокда. Шу

нуқтаи назардан, олий даражадаги алоқаларнинг фаоллашгани халқаро ҳамжамият учун Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатидаги ўз мавқени мустақамлаш ниятидан далолат берувчи муҳим сигналдир.

Германия билан иқтисодий шериклик нафақат инвестиция, балки Ўзбекистоннинг стратегик барқарорликка қўшаётган ҳиссадир. Глобал беқарорлик ва ўзгаришчан таъминот занжирлари шароитида яқин ҳамкорлик Ўзбекистонга иқтисодий хавфсизликни мустақамлаш ва инфратузилма-ни модернизация қилишда қўмак беради ҳамда ҳар икки давлат учун узоқ муддатли фойда келтиради.



Сенатор ва ҳаёт

КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР КАМАЙМАГАН. НЕГА?..

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши фаолияти кўриб чиқилди. Айни чоғда ҳудудий давлат органлари раҳбарларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширган ишлари юзасидан ахборотлари эшитилди.

Қайд этилганидек, бу борада вилоятда бир қатор ишлар бажарилган. Жумладан, жорий йилнинг 7 ойида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳамда жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида ҳудудий кенгаш томонидан 323 та тарғибот тадбири ташкил қилинган. Уларга кенг аҳоли вакиллари — 15 миңдан ортиқ фуқаролар ҳамда нодавлат ва нотижор ташкилотлари ходимлари жалб этилган. Ёшлар ўртасида “Коррупцияга йўқ деймиз!” ва “Ёшлар коррупцияга қарши” шiorлари остида 11 акция ва флешмоблар уюштирилиб, миңдан зиёд ёшлар қамраб олинган.

Муҳокама давомида Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши фаолияти доирасида қатор камчиликларга йўл қўйилгани ҳам алоҳида айтиб ўтилди.

Коррупция даражасини рейтинг баҳолаш натижасига кўра 2024 йилнинг биринчи ярмида ҳудудий кенгашининг коррупцияга қарши курашиш ишлари самардорлик кўрсаткичи 78 баллни, очиклик индекси бўйича эса бор-йўғи 63,1 баллни ташкил этган.

Ачинарлиси, вилоятда коррупциявий жиноятлар сони камаймаган. Масалан, ўтган 7 ой давомида 192 нафар мансабдор шахс фирибгарлик, мол-мулкни талон-торож қилиш, пора бериш ва олиш, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ва бошқа тоифадаги коррупциявий жиноятларга қўл урган.

Тахлилларга кўра мактабгача ва мактаб таълими, соғлиқни сақлаш, ҳокимликлар тизимида бюджет маблағларини талон-торож қилишнинг кенг тарқалган кўриниши ойлик иш ҳақини ортиқча ҳисоблаб ёзиш йўсинида намоён бўлган.

Муҳокамада бундай коррупциявий ҳолатлар маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқа давлат орган-

ларида ички назоратнинг етарли даражада эмаслиги ва бу оқибатда қонун бузилишига имконият яратиб берилаётгани ургуланди.

Шулардан келиб чиқиб, сенаторлар томонидан қонунчиликка зид бўлган бундай ҳолатлар ҳудудга ҳар бир кенгаш аъзосидан ўз олдига қўйилган вазифаларни тўлақонли бажариш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни тез аниқлаш ва уларга чек қўйиш, шунингдек, уларнинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан самарали фаолият кўрсатишни талаб қилиши таъкидланди.

Мажлиси якунида ҳудудда коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятни яхшилаш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф этиш бўйича Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг тегишли қўшма қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ тегишли идораларга коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар самардорлигини кўтариш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, кенгаш фаолиятини тақомиллаштириш, рейтингга таъсир кўрсатувчи салбий омилларни бартараф этиш, давлат дастурларини тўлиқ ва вақтида бажариш, аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш кераклиги айтиб ўтилди. Айни вақтда коррупцияга оид ишлар бўйича суд мажлислари ташкил қилиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни танқидий таҳлил этиш, коррупцияга оид жиноятларнинг сабабларини ҳар томонлама текшириш ҳамда уларга ечим топиш чораларини ишлар ҳақида юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

«Халқ сўзи».

КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТЛАР АЛОҚАЛАРИМИЗГА ЖАДАЛ СУРЪАТ БАҒИШЛАЙДИ

Учрашув давомида икки томонлама 8 та ҳужжат имзоланди. Икки давлат ишбилармон доираларининг ўзаро манфаатли шериклик йўналиши белгилаб олинди, келгуси икки йилга мўлжалланган Технология шериклик ва саноат кооперацияси дастури қабул қилинди. Айни чоғда мамлакатларимиз етакчи корхоналари ўртасида қатор битим ва шартномалар имзоланди. Эндиликда икки давлат ўртасида “яшил” энергетика, кимё саноати, “яшил” водород ишлаб чиқариш, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика каби соҳаларда саноат кооперацияси йўлга қўйилди.

Яна бир масалага тўхталиш лозим. Гап шундаки, музокаралар чоғида ўта муҳим минерал ресурс конларини ўзлаштириш, уларни чуқур қайта ишлаш ҳамда Германия ва бошқа давлатлар бозорлари учун юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш масаласи батафсил кўриб чиқилди. Яъни Германия компанияларининг бу борадаги иштинороки масаласи муҳокамадан ўтказилди. Айни чоғда учрашувда энергетика, транспорт-коммуникация, туризм инфра-



Равшанбек АЛИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хоржий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.

АДОЛАТЛИ РАҚОБАТ МУҲИТИ ЙЎЛИДА



электрон (рақамли) далиллар қаторига кирувчи маълумотлардан фойдаланилаётгани айтилиб, шу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати мавжудлиги қайд этилди. Шу сабаб ҳам амалдаги қатор кодекс ва қонунларга “электрон (рақамли) далил” тушунчаси, электрон (рақамли) далиллар билан ишлаш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун қўриб чиқилди.

Иштирокчилар томонидан бугунги кунда қонунчилик ҳужжатларида “электрон (рақамли) далил” тушунчаси, улардан фойдаланиш тартиби ва далилларга қандай маълумотлар киритилиши борасида белгиланган норма мавжуд эмаслиги, амалиётда эса график тасвирлар, аудио, видеоёзувлар, интернетдаги маълумотлар ва шу каби

Ишонч — фаол муносабатлар асоси

Европа давлатлари орасида Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан тан олган давлат — Германия 1992 йил 6 март куни мамлакатимиз билан дипломатик алоқаларни ўрнатган бўлиб, шу ўтган давр мобайнида бир қатор олий даражадаги расмий ташрифлар амалга оширилди. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик савдо-иқтисодий, сармоявий, технология, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олаётгани эътиборга молик.

Фикр

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Германия кўп томонлама форматларида — БМТ, ЕХТТ ва бошқа тузилмалар доирасида глобал ҳамда минтақавий кун тартибидagi масалалар бўйича самарали ҳамкорлик қилмоқда. Расмий Тошкент ва Берлиннинг кўплаб масалалар, жумладан, терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотрафикка қарши кураш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш бўйича позициялари бир-бирига мос келади.

Парламентларо алоқалар ҳам фаоллашган. Турли даражадаги парламент делегацияларининг ташрифлар алмашинуви йўлга қўйилган бўлиб,



Ўзбекистон ва Германия парламентларининг дўстлик гуруҳлари ва иxtисослаштирилган қўмиталари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда юртимизда неми сармояси иштирокидаги 200 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатяпти. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сўнгги беш йил ичида 1,5 баробардан ортиқни ташкил этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил май ойида Германияга ташрифи чоғида умумий қиймати 9 миллиард евродан ортиқ бўлган савдо шартномалари ҳамда сармоявий-технологик битимлар имзолангани икки томонлама муносабатлар фаоллашганини намоён этади. Ушбу жараёнда Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий ме-

роси ва сайёҳлик салоҳиятига қизиқиш ҳам ортиб бораётганилини кўришимиз мумкин. Қолаверса, Ўзбекистонда ҳам Германия, унинг маданияти, тили, таълим ва бизнес имкониятларига қизиқиш ортиб бормоқда. Хусусан, ҳозирги вақтда мамлакатимизда қарийб 300 миң мактаб ўқувчилари Гёте, Шиллер ва Кант тилини ўрганмоқда. 24 та мактабда неми тили қўраштирашнинг тарзда ўргатиляпти. Улардан 6 таси, яъни Тошкент, Самарқанд, Маргилон, Фаргона, Андижон ва Бухоро шаҳарларидаги мактаблар неми тили дипломини бериш ҳуқуқига эга. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги

кунда Ўзбекистонда этник неми миллилатига мансуб 5 миңга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларга ўз миллий анъана ва маданиятини асраб-авайлаш бўйича барча шароит яратилган. Яна бир аҳамиятли жиҳати, икки давлат меҳнат муносабатлари, гендер тенгликни таъминлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш, ижтимоий, маданий-гуманитар, таълим соҳаларида ҳам ишончли ҳамкорлик қилинади. Жумладан, Германиянинг 30 дан ортиқ университетлари билан алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, миңга яқин ўзбекистонлик талабалар, илмий тадқиқотчилар ва докторантлар Германиянинг турли нуфузли университетлари ва тадқиқот марказларида таҳсил олмақда. Шу ўринда Германияда ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётганини ҳам алоҳида

қайд этиш жоиз. Чунончи, Германиянинг қатор олий ўқув юртиларида ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш бўлимлари мавжуд.

Умуман, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда сифат жиҳатдан янги, ўзаро англашув ва ишончнинг янада юқори поғонасига кўтарилади. Шу нуқтаи назардан, Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ўзаро манфаатли сиёсий мулоқотга, кўп қиррали ҳамкорликни фаоллаштиришга, ўзбек ва неми халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга янги суръат бағишлайди. Ташриф доирасида имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган стратегик шерикликни янада муваффақиятли ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Жаҳонгир МАМАЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ОИД ИМТИЁЗЛАР, ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда кўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор масалалар, чунончи, кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, темир йўл транспорти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган муҳим қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.

Сиёсий партиялар фракцияларида

Молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларни кенгайтириш

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳарақати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимиз раислигида шу йил 11 сентябрь куни маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш, камбағал оилалар билан ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Мунозаралар давомида депутатлар камбағалликни қисқартириш умумийлиги ҳарақатга айланиши, бу борада белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали янги иш ўринларини яратишда партия фаоллари, фракция аъзолари ўз хиссасини қўшиши, фаол ва ташаббускор бўлиши лозимлигини қайд этилди.

Йиғилишда “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин бозор муносабатларини янада ривожлантириш шариоитида тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришнинг янги ва муқобил восталарини ишлаб чиқишга, хусусан, тадбиркорлик лойиҳаларига қаратилган (кафиллик) ёрдамини кўрсатиш қўламини кенгайтиришга эҳтиёж юқорилигига қўлмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан эса тадбиркорлик субъектларига кредит ташкилотлари томонидан миллий ва чет эл валюталарида акратилди ҳам кредит, лизинг, банк қаролати ва аккредитивларга қаролат (кафиллик) бериш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа хизматларни кўрсатиш орқали тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватловчи юридик шахсларни ташкил этишининг ҳуқуқий асоси яратилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирди.



Одам савдоси учун жазо чоралари кучайтирилмоқда

Ўзбекистон “Миллий тиклишни” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Одам савдоси жинояти учун жазо чоралари кучайтириляётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, одам савдоси бутун дунё бўйлаб кенг тарқалган жиноятлардан бирига айланаб улгурди. Маълумотларга кўра дунё микёсида ҳар йили 4,5 миллиондан зиёд кишилар одам савдоси қурбони бўлади. Ушбу жиноятчилик натижасида олинганга йиллик даромад миқдори эса 7 миллиард АҚШ долларидан зиёд. Ачинарлиси, бу жиноятдан жабрланганларнинг 80 фоизи аёл ва болалардир.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Жиноят кодексига одам савдоси жиноятини содир этганларга нисбатан одам чораларини кучайтириш билан боғлиқ ўзгариш киритиш назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳаси хотин-қизлар ва болаларга нисбатан одам савдоси каби жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини янада тақомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш ва маромига етказиш бўйича ўз таклифлари, фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси

депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Йиғилишда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — темир йўл транспорти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Депутат Фарҳод Зайниевнинг айтишича, мазкур қонун лойиҳаси билан соғлом рақобат муҳитини яратиш, соҳага ҳусусий секторни кенг

да. Чунки бугунги кунда инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, жумладан, одам савдоси жинояти учун мутаносиб санкциялар белгиланмаган.

Фракция аъзолари томонидан кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасида Жиноят кодексига одам савдоси жиноятини содир этганларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш билан боғлиқ ўзгариш киритиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида бир қатор таклифлар берди.

Шундан сўнг йиғилишда “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига сўғурта қилдирувчиларни мажбурий сўғурта шартномаларидан келиб чиқадиган даъволар бўйича давлат божини тўлашдан озод этишга қаратилган қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси атрофида кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан сўғурта қилдирувчиларни мажбурий сўғурта шартномаларидан келиб чиқадиган даъволар бўйича давлат божини тўлашдан озод этишга қаратилган қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси атрофида кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши истеъмолчиларнинг мажбурий сўғурта турлари бўйича сўғурта ҳодисаларида келиб чиққан низолар юзасидан судга даъво аризалари киритилганда давлат божидан озод этилишига сабаб бўлади. Савол-жавоблардан сўнг ҳар иккала қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Давлат божини тўлашда енгилликлар берилади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан “Одам савдоси жинояти учун жазо чоралари кучайтириш билан боғлиқ ўзгариш киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, ҳомилдор аёлга нисбатан содир қилинган одам савдоси, шунингдек, муқаддам одам ўғирлаш жиноятини содир этган шахслар томонидан одам савдоси жиноятининг содир қилинишини оғирлаштурувчи ҳолат сифатида белгилаш таклифи этилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирган экан, унинг нақадар муҳимлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилишда асос бўлишини алоҳида таъкидладилар.

Йиғилишда, шунингдек, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига сўғурта қилдирувчиларни мажбурий сўғурта шартномаларидан келиб чиқадиган даъволар бўйича

Пойтахтимизда Ўзбекистон корейс миллий маданият марказлари ассоциацияси томонидан «Чусок — 2024» байрами ташкил этилди.

ГЕРМАНИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНГИЧА ҚАРАШИ — ОБЪЕКТИВ ҲАҚИҚАТ

Келажакнинг глобал муаммоларини ҳал эта оладиган интеллектуал мутахассислар синфини шакллантиришда мамлакатлар ўртасидаги маданий-маърифий алоқалар муҳим ўрин тутди. Халқлар ўртасида мустақам иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни яратувчи меҳнат миграцияси механизмларини ишлаб чиқиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ишончим комилки, Федерал Канцлер Олаф Шольцнинг расмий ташрифи нафақат иқтисодий ва маданий ҳамкорликка, балки сиёсий мулоқотга, Ўзбекистонни Германиянинг Марказий Осиёдаги муҳим шериги сифатидаги мавқеини янада мустақамлашга янги суръат бағишлайди. Шунингдек, геосиёсий кескинлик кучайиб бораётган бир шароитда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги яқин алоқалар минтақада барқарорлик ҳамда тараққийотни таъминлашга хизмат қилади.

Чжан ЧЕНЗИ, ХХРнинг МДХ мамлакатлари билан илмий-технологик ҳамкорлик бўйича Гуандун уюшмаси бош котиби ўринбосари:

Ўзбекистон Президенти ва Германия Канцлерининг навбатдаги учрашуви, шунингдек, 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган савдо-иқтисодий тадбирлар Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги барқарор ва серқирра ривожланаётганидан далолатдир.

Бугунги кунда Германия Ўзбекистоннинг Европа билан кўп қиррали ва узоқ муддатли ҳамкорлиқни ривожлантиришдаги асосий шерикларидан бири эканига барчамиз гувоҳимиз. Сўнгги йилларда олий даражадаги муносабатларнинг жадаллашаётгани ва иқтисодиётнинг барча жабҳасида эришилган келишувларнинг изчил амалга оширилишига ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг амалий кенгайтирилиши таъминлади.

Ўзбекистон Президенти ва Германия Федерал Канцлерининг икки мамлакат етакчи компания ҳамда банклари вакиллари билан қўшма

учрашувида иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича янги Ўзбекистон тараққийотининг асосий устувор йўналишларига мувофиқ немис компанияларини қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Аниқки, Ўзбекистон ва Германия компаниялари ўртасида "яшил" энергия, кимё sanoати, машинасозлик, электротехника ва ҳимоячилик sanoати каби соҳалардаги чуқур ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам манфаатли бўлади.

Муҳаммад ВАДИЙ, Мисрнинг «Sada al Balad» ахборот агентлиги бош муҳаррири:

— Ўзбекистон раҳбарияти мураккаб геосиёсий шароитга қарамай бarchа хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли ва прагматик алоқаларни ривожлантирмоқда. Жорий йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Германия Федерал Канцлери расмий ташриф билан Самарқандда бўлди. Ташриф давомида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Канцлер Олаф Шольц ўртасида имзоланган икки томонлама манфаатли шартномалар хорижий ҳамкорлар билан прагматик алоқалар олиб борилаётганининг далилидир.

Ўзбекистон Президенти олий даражадаги делегацияларни қабул қилиш чоғида хорижий давлатлар бизнес доиралари вакиллари билан учрашувларни ташкил этиш, шунингдек, бизнес-форумлар ўтказиш аънаъга айланди. Мазкур тадбирларнинг натижаси уларок мамлакатга инвесторлар кириб келмоқда, турли соҳаларда истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти, ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотлар экспорти ортомқда.

Ўзбекистон ва Германия етакчилари икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувида "яшил" энергия, кимё sanoати, "яшил" водород ишлаб чиқариши, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик ва фармацевтика sanoати каби соҳаларда ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон фуқароларининг Германияга қонуний асосда бориши ва расмий ишга жойлашишни соддалаштириш имконини берувчи миграция соҳасида ҳар томонлама шериклик тўғрисидаги ҳуқуматларор битим имзолангани ушбу ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Макс СЕЙ, Малайзиянинг «Kingsley Strategic Institute» ижрочи директори:

— Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг Ўзбекистонга ташрифини икки томонлама ҳамкорлиқни мустақамлаш ва иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳолаш керак.

Германия азалдан Ўзбекистон учун муҳим савдо шериги бўлиб келган, бу ташриф ушбу муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Хусусан, 2024 йилнинг биринчи ярмида икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 506,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Немис компаниялари учун минтақанинг инвестициявий жозибадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин бўлган энергетика, инфратузилма ва технология соҳаларидаги лойиҳаларга асосий эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, ташриф чоғида сиёсий ҳамкорлик ва стратегик шерикликни чуқурлаштириш масалалари муҳокамаси Германиянинг геосиёсий стратегиясида Ўзбекистоннинг аҳамиятини яна бир бор тасдиқлади.

Ташриф чоғида имзоланган 10 га яқин икки томонлама ҳужжатларни, жумладан, Қўшма декларация ва 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган Технологик шериклик ва sanoат кооперацияси дастури қабул қилингани алоҳида таъкидлаш керак. Ишончим комилки, ушбу келишувлар энергетика соҳасидаги шерикликка, логистика ва таълим алмашинувини яхшилашга хизмат қилади.

Ташрифнинг муҳим жиҳатларидан яна бири — малакали ўзбек ишчиларининг Германияда фаолият юритишига қаратилган миграция бўйича битимнинг имзоланиши бўлди. Ушбу келишув Германиядаги ишчи кучи танқислигини бартараф этиш ва Ўзбекистон фуқаролари учун қонуний миграция йўлиларини тақдим қилиш билан ҳам икки давлат учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда сифат жиҳатдан янги, ўзаро англаш ва ишончнинг янада юқори погонасига кўтарилди. Шу нуқтага назардан, Германия Федерал Канцлерининг Ўзбекистонга ташрифи икки давлат ва бутун минтақанинг узоқ муддатли манфаат-

ларига мос келадиган ўзаро муносабатларни янада мустақамлаш ҳамда долзарб йўналишларда ҳамкорлиқни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Виктор КИМ, Тожикистон Миллий фанлар академияси Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ институти илмий ходими:

— Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён Ўзбекистон — Германия муносабатлари барқарорлиқни сақлаб келмоқда. 2019 йил январь ойда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга илк расмий ташрифи икки томонлама ҳамкорлиқни фаоллаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Уша йилнинг май ойида Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Мазкур ташрифлар Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни қадимий Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида кутиб олиш давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли муносабатлар янги босқичга кўтарилаётганининг яққол далилидир.



Виктор КИМ, Тожикистон Миллий фанлар академияси Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ институти илмий ходими.

Марказий Осиё — Германия: МАНФААТЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

«Марказий Осиё — Германия» мулоқот платформасини ишга тушириш ташаббуси 2023 йил бошида Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц томонидан илгари сурилган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ушбу ташаббус Ўзбекистон Президенти ва минтақа мамлакатлари етакчилари томонидан Марказий Осиёда яқин кўшнчилик ва дўстона муносабатларни ўрнатиш бўйича амалга оширилаётган саяё-ҳаракатлар туфайли эришилган иқтисодий ва сиёсий салоҳияти мустақамлаш нуқтаи назаридан расмий Берлиннинг минтақа қизиқиши ортиб бораётганининг тасдиқи бўлди.

Мазкур форматнинг асосий мақсади Германия ва минтақа давлатлари ўртасида сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, энергетика ва хомашё бўйича шерикликни ривожлантириш, маданий-гуманитар алмашинувини кенгайтиришдан иборат. Мулоқотнинг бошланиши расмий Берлин сиёсатини ва Германиянинг Европа Иттифоқига раислиги даврида 2007 йилда қабул қилинган ва ушбу мамлакат ташаббуси билан 2019 йилда янгиланган ЕИнинг Марказий Осиё бўйича стратегиясини илгари суришда муҳим амалий қадам бўлди.

Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг сўзларига кўра, ушбу платформа ўз вақтида ва долзарб бўлиб, минтақаларо ҳамкорликнинг устувор масалаларини муҳокама этиш учун муҳим майдон сифатида хизмат қилади. Шунингдек, мазкур формат иштирокчи мамлакатларнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини қўллаб-қувватлаш ва ҳар бир давлатнинг умумий жиҳатлари, шунингдек, миллий хусусиятлари ҳамда манфаатларини ҳисобга олган ҳолда давлатларо иқтисодий алоқаларни мустақамлаш бўйича амалий чора-тадбирларни белгилаш имконини беради.

Расмий Берлин минтақамизнинг ўсиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда Германия ва Марказий Осиё ўртасида минтақавий стратегик шерикликни йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурди, бу форматнинг биринчи саммити яқунлари бўйича имзоланган Қўшма баёнотда ҳам қайд этилди.

Биринчи саммитда Марказий Осиё ва Германия ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Булар инвестициявий, инновацион ва технология алоқалар ҳамда алмашинувини ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш, хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, транспорт-коммуникация йўналишида ўзаро боғлиқликни кучайтириш, "яшил" кун тартибини илгари суриш, Германия стандартларига мувофиқ турли тармоқлар учун мутахассисларни тайёрлаш ва бошқа соҳалардир.

Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари Германия томонининг Марказий Осиё ва Германия ўртасида стратегик минтақавий шерикликни йўлга қўйиш, ушбу форматда мунтазам учрашув ва маслаҳатлашувлар ўтказиб бориш тақлифини қўллаб-қувватлади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликнинг янги динамикаси, яқин маданиятларо ва гуманитар алоқаларнинг ривожланиши, албатта, Марказий Осиё — Германия ҳамкорлиги кун тартибини сифат жиҳатдан тўлдиришга ва натижада бутун минтақавий ўзига хосликни мустақамлашга ҳамда Марказий Осиёни истиқболли ва узоқ муддатли стратегик шерик сифатида намён қилишга ёрдам беради.

Германиянинг "Марказий Осиё плюс" шаклидаги мулоқотга фаол жанб этилиши жадал ривожланаётган минтақамизнинг халқро алоқалар ва жаҳон иқтисодий муносабатлари тизимига интеграциялашувининг янги босқичига кўтарилишига хизмат қилиши кутилмоқда.

Корхонанинг буюртмалар портфели қандай шаклланди?

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали истеъмол бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш иқтисодиётда амалга оширилаётган ислохотларда устувор ўрин тутди.

Ташриф манзилларида

Наманган туманидаги "Nam Motor Servis" масъулияти чекланган жамиятида айни йўналишда халқ ўҳжалигига кенг қўлланиладиган электродвигателлар, сув моторлари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари тайёрланмоқда. Аниқроқ айтганда, ҳозирги пайтда электродвигателларнинг 60 фоизи, сув насосларининг эса 100 фоизи малакали мутахассислар қўлидан чиққан бутловчи қисмлардан йиғилмоқда.

Мазкур меҳнат жамоаси ўзи танлаган йўналиш бўйича 23 йиллик таърибга эга. Дастлаб ўнга яқин ишчилар ёрдамида сув насослари таъмири билан бошланган цех фаолияти кенгайиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён муваффақиятли ўзлаштирилди. Хусусан, қуёв цехи қурилиши билан насос двигателлари корпуси, қопқоқ ва бутловчи материалларини четдан олишга ҳожат қолмади. Куч ҳосил қилувчи электр қурilmанинг симли чулғамини ўраш ҳам маҳаллий ишчилар томонидан бажариляпти.

Эндиликда Ташбулоқ шаҳарчасида ўзининг замонавий бинолари ва илгор ишлаб чиқариш технологиясига эга бўлган "Nam Motor Servis" тармоқ корхоналари ўртасида муносиб мавқега кўтарилди. Буни маҳсулотларга талаб йил сайин ортиб бораётгани, буюртмалар портфелида 500 дан зиёд шартномалар мавжудлиги яққол кўрсатади. Улар орасида Навоий ва Олмалиқ конметаллургия компаниялари, "Ўзбекнефтгаз" АЖ, Сув ўҳжаллиги вазирилиги тармоқлари ва бошқа кўплаб корхона, ташкилотлар бор.

Биргина Навоий конметаллургия комбинати беш юзга яқин турдаги насос ва электр двигателларини "Nam Motor Servis" МЧЖдан олади. Бу, албатта, корхона конвейеридан чиқётган маҳсулотлар ишончлилиги, рақобатга дош бери-

улар ҳақида тўхталганининг боиси, бу икки йилгит яқин вақтга қадар чет элда ишлаган. Таклифимиз билан корхонага келишди. Оиласига яқин жойда, хориждагидан кам бўлмаган маошга меҳнат қилаётганидан мамнун. Умуман олганда, ишчи-хизматчиларимиз 6-7 миллион сўмга етказиб ҳақ олаётгани, меҳнат ва дам олиш шароитларидан рози. Кунлик иш унуми, пировад натижага масъулияти ҳам шунга яраша.



компанияси билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларнинг нафи катта.

Корхонада ўтган йили навбатдаги истиқболли лойиҳага киришилди. У 10,5 миллион доллар қийматга эга бўлиб, эмалланган сим ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган. Қисқа вақт ичида қуриб битказилган цех ҳаракатга келтирилиши билан бу ерда йилига 2200 тонна импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлаш қувватлари яратилади.

— Ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, технологик янгилашлар жараёнида юқори малакали 120 нафар ходимдан иборат меҳнат жамоаси шаклланди, — дейди "Nam Motor Servis" МЧЖ иш бошқарувчиси Асадбек Мирзабеков. — Мутахассисларимиз орасида замонавий касблар усталари ҳам анчагина. Масалан, ахборот технологиялари соҳасида тажриба тўплаган Жамшид Қўлдошев рақамли тартибда ишлайдиган фрезерлик дастгоҳини бошқаради. Улуғбек Фаниев эса дастурий таъминот билан шуғулланади. Айнан

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).

Гидроэнергетика тармоқлари

КИЧИК ГЭС ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Тараққийот йўлидан илдам бораётган янги Ўзбекистонда энергия ресурсларига бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу боис мамлакатимизда бу тармоқни изчил ривожлантиришга, барқарор ва узулсиз электр энергияси ишлаб чиқариш, хусусан, экологик тоза ва қайта тикланувчи энергия манбаларига катта эътибор қаратилмоқда.



Энергетика соҳасида янги гидроэлектр станция (ГЭС)-ларни ишга тушириш, мавжудларни модернизация қилиш борасида "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти томонидан кенг қўллали фаолият олиб бориломқда. Бу борада тегишли ҳуқуқий асослар янада мустақамлашиб, истиқболли инвестициявий дастурлар асосида қўллаб лойиҳалар ҳаётига изчил татбиқ этилмоқда.

Ана шундай лойиҳалардан бири — Сурхондарё вилоятида қуввати 3 мегаваттга тенг, йилига ўртача 13,3 млн. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарувчи "Зарчоб-1 А" кичик гидроэлектр станцияси фойдаланишга топширилди. Мустақиллигимизнинг ўттиз уч йиллигига муносиб қилиш борасида эътироф этилаётган ушбу объект вилоятнинг чекка худуди — Сарисий туманидаги Тўполанг дарёси бўйида барпо этилди.

Шу муносабат билан уюштирилган тадбирда "Ўзбекгидроэнерго" АЖ масъул ходимлари, вилоят ва туман ҳокимликлари мутахассислари, ҳудудий тизим корхоналари вакиллари, соҳа мутахассислари ҳамда журналистлар қатнашди.

Таъкидланганидек, ушбу

кичик гидроэлектр станцияси ишга тушириш орқали Тўполанг дарёси сувидан самарали ва оқилана фойдаланган ҳолда, тўртинчи маротаба дарё суви гидроагрегатлар орқали ўтказилиб, электр энергия ишлаб чиқарилади. Лойиҳа қиймати 3,33 млн. АҚШ долларига тенг бўлган ушбу ГЭСни ишга тушириш орқали янги иш ўринлари ҳам яратилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, "Зарчоб-1 А" кичик ГЭС томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергия 4750 та хонадонни ёруғлик билан таъминлайди.

«Халқ сўзи».

«Дунё» АА.

РЕКЛАМА

TAYANCH DOKTORANTURAGA QABUL

Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn instituti

2025-yil 15-oktabr kuni quyidagi ixtisosliklar bo'yicha tayanch doktoranturaga qabul e'lon qiladi:

<p>17.00.05 — Dizayn nazariyasi va tarixi; (ixtisosliklar bo'yicha qabul kvotasi — 1 nafar)</p> <p>17.00.04 — Tasviriy va amaliy bezak san'ati; (ixtisosliklar bo'yicha qabul kvotasi — 2 nafar)</p> <p>17.00.06 — Muzeysunoslik. Tarixiy-madaniy obyektlarni konservatsiya qilish, ta'mirlash va saqlash; (ixtisosliklar bo'yicha qabul kvotasi — 2 nafar)</p> <p>17.00.08 — San'at nazariyasi va tarixi. (ixtisosliklar bo'yicha qabul kvotasi — 2 nafar)</p>	<p>Talabgorlar quyidagi hujjatlarni topshiradi:</p> <ul style="list-style-type: none"> ● ariza; ● qisqacha biografik ma'lumotnoma (obyektivka — namuna 3,5 shakl bo'yicha); ● mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun); ● oliy ta'lim muassasasi magistraturasi diplomini, oliy ma'lumot (mutaxassislik
---	--

dasturlari bo'yicha) to'g'risidagi diplom nusxasi;
 ● nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari (kamida 1 ta maqola va 2 ta tezis);
 ● pasport nusxasi;
 ● xorijiy tillarni bilish darajasini baholovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikat.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti davlat stipendiyasi sohiblari tegishli hujjat nusxasini taqdim etadi.

Hujjatlar pdf shaklida tayyorlanib 2024-yil 15-oktabrigacha Oliy ta'limdan keyingi ta'limni muvofiqlashtiruvchi yagona elektron tizim (<http://phd.mininnovation.uz>) orqali ro'yxatdan o'tgan holda qabul qilinadi.

Murojaat uchun manzil: Toshkent shahri, Mirobod tumani, Mironshoh ko'chasi, 123-uy. Telefon: 71-255-98-39. Qo'shimcha ma'lumotlar uchun: 94-699-14-78.

Навоий вилоятининг Нурота туманида кадриятларимизни ўзида мужассам этган «Сўзана ва кашта» миллий хунармандчилик санъати фестивали уюштирилди.

